ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ “КЎЗ” ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ ТАДҚИҚИ

Ш.И.Шокиров, М.А.Абдувалиев, М.Тўрахўжаева

Мақолада ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида “кўз” лексик-семантик майдонини ташкил этувчи лексик бирликлар структур(таркибий) ва семантик (маъно) хусусиятларига асосланган ҳолда тадқиқ этилади.

***Калит сўзлар**: лексик-семантик майдон, архисема, лексема, доминант, ядро, периферия, ифода плани, мазмун плани, мавзуий гуруҳлар.*

В статье освящаются структурные и семантические свойства конституентов лексико-семантического поля «глаз(а)» английского и узбекского языков.

***Ключевые слова**: лексико-семантическое поле, архисема, лексема, доминанта, ядро, периферия, план выражения, план содержания, тематическая группа.*

The article deals with the structural and semantic features of the constituent lexemes of the lexical-semantic field of “eye” in modern English and Uzbek.

***Key words**: lexical-semantic field, archiseme, lexeme, dominant,centre, periphery, surface structure, deep structure, thematic groups.*

“Кўз” лексик-семантик майдонини алоҳида олинган тил мисолида, на қиёсий планда махсус тадқиқот мавзуси сифатида шу кунга қадар ўрганилмаган.

“Кўз” лексик-семантик майдон деганда, инвариант “кўз” архисемаси атрофида бирлашган, ушбу майдонда ўз ўрнига, турлича морфологик ва синтактик тузилиш қолипига эга, инвариант маънога турли даражада яқин ёки дистант (бош маънодан узоқлашган) алоқадаги, бир ва ундан ортиқ маъноли, моно- ёки полифункционал, ўзаро парадигматик, синтагматик алоқада бўлган, вазифаларига кўра фаол ва нофаол, ифодалилиги жиҳатидан турлича бўёқдорликка эга тил бирликлари системасини тушунамиз.

Ҳар қандай лингвистик майдон каби “кўз” лексик-семантик майдони ҳам мазмун ва ифода планига эга. Дунё тилшунослигида майдоннинг бу икки муҳим ва бир-бирини тақозо этувчи томонлари “ифода плани”, “мазмун плани”, “план содержания”,“план выражения”, “поверхностная структура”, “глубинная структура”, “surface structure”, “deep structure” каби терминлар билан аталмоқда.

Майдоннинг мазмун плани деганда, умумий “кўз” архисемаси ва у билан алоқадор яқин ва узоқ семалар мажмуини тушунамиз. Майдоннинг ифода плани деганда эса “кўз” умумий маъноси атрофида бирлашувчи тилнинг фонетик, лексик, грамматик қонун-қоидалари имкониятлари доирасида шаклланган, оғзаки ва ёзма нутққа хос, визуал ва аудиал шаклларга эга турли лексик бирликларни тушунамиз.

“Кўз” умумий маъноси асосида бир майдонга жамланган, алоҳида парадигматик қаторларни ташкил этувчи тил бирликларининг лисоний мазмун хусусиятларини очиб бериш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Инглиз, ўзбек ва рус тиллари изоҳли луғатлари устида ўтказилган таҳлиллар “кўз” лексемаси ҳар учала тилда полисемантик хусусиятга эга эканлиги ва алоҳида олинганда ҳам, сўз бирикмалари ёки фразеологик бирикмалар таркибида келганда ҳам турли-туман маъноларни касб этиши мумкинлигини кўрсатди. Бу ҳол қиёсланаётган тилларда “кўз” лексемаси билан боғлиқ қатор маъноларнинг қай бири инвариант, умумий маъно бўла олишини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Шуни инобатга олган ҳолда луғатлардаги “кўз” ва у билан боғлиқ морфологик ҳамда синтактик тузилишга эга бирликларни маъно нуқтаи назаридан таҳлил этишни лозим деб топдик.

Вебстернинг “Инглиз тилининг учинчи янги халқаро луғати”да от сўз туркумига мансуб “eye” сўзи қадимги инглиз тилда “eage”, ўрта асрлар инглиз тилида “eie”, қадимги юқори немис тилида “ouga” бўлиб, лотин тилидаги “oculus”, грек тилидаги “oscs” (two eyes), санскритдаги “akşi” сўзларига қариндош эканлиги, унинг асл ва етакчи маъноси “anorganof sight” (кўриш аъзоси) эканлиги ёзилган [5.809-810]. “Eye” сўзининг бошқа маъноларини луғатдаги кетма-кетликда таржима усули орқали қуйидагича аниқладик:

1) “кўз” ва уни ҳимоя қилувчи, уни қўллаб-қувватловчи ва унга яқин жойлашган қовоқ, киприк, қош: кўз ичи ва уни ўраб турган жой;

2) “кўз” гавҳари (a girl with blue eyes); 3) кўз билан кўриш ёки гўёки у орқали кўргандек (зеҳн) (a keeneyefor a significantdetail: кўриш: жисмонан ва ақлан қабул қила олиш қудрати (кучи) (a good eye for what is essential) идрок орқали кўра олиш қобилияти (an eyefor beauty), (He has an artist’s eye); 4): назар (in the public eye); (5) диққат (эътибор) билан қараш: яқиндан кузатиш (назорат қилиш) (under the eyeof the employers); 6) нуқтаи назар: бирон нарсага нисбатан қараш: (in theeyeof the law); 7) кўзга ўхшаган кўриниш (шакл)га эга нарса: а1) игнанинг боши орасидаги тешик: а2) арқон, илмоқ ёки бошқа нарсани тутқазишга мўлжалланган тешик хусусан: иш қуроллари (болға, болта дастаси)даги тешик; а3) тегирмон тошидаги тешик; б1) товус дум парлари ёки капалак қанотлари ва тухумдаги думалоқ кичкина доғ(лар); б2) ёруғ нуқта (жой), ёруғлик тушган думалоқ майдонча; б3) қоялар юзасига чиқиб қолган, кўриниши кўз шаклидаги минераллар қатлами; в1) арқон учидаги халқа; в2) кийимнинг икки томонини бир-бирига бириктирувчи илгак ўтказиладиган металл халқа; в3) тугма қадаладиган тирқиш (изма); в4) парда осиладиган узун металл, ёғоч мослама халқаси; в5) камоннинг икки чеккасидан камон ипини тортишга мўлжалланган халқа(лар); г1) ривожланмаган куртак (картошка (кўзи) ниши); г2) гул косачаси ва баъзи бир мевалар (олма, нок)нинг чириган (айниган) жойи; г3) ниш (ловиядаги).

Демак, инглиз тилида “кўз” лексемаси йигирмадан зиёд маъноларга эга экан.

2006 йилда чоп этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг II жилдида “кўз” сўзининг қуйидаги асосий маънолари санаб кўрсатилади:

1. Тирик мавжудотнинг кўриш аъзоси: Кўз косаси, *Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди* (Мақол). 2. Назар, нигоҳ; қараш: *Мансур ҳамон индамас, кўзларини бир нуқтадан узмас эди.* 3. Кўриш қобилияти. Кўзи хира, Кўзи ожиз. *Бир вақтлар дўппи тикдим, кўрпа қавидим. Энди ундай ишларга кўзим ўтмайди. (Ойбек).*4. Баъзи бир нарсаларнинг бирор белгиси билан ёрилиб, кўзга ўхшаб кетадиган қисми(кўчма маънода). *Деразанинг кўзи. Булоқнинг кўзи [4.443-445].*

А.П.Евгеньева таҳрири остида 1981 йили нашр этилган (2-нашр, М. Русский язык (I жилд А-й). “Словарь русского языка”да “глаз(а)” сўзининг тўртта маъноси борлиги айтилади: 1) кўриш аъзоси (орган зрения), 2) кўриш қобилияти (способность видеть); 3) бирликда сўзлашув нутқида эскирган ёмон кўз (дурной глаз); 4) кўчма: назорат, назар (просмотр). Юқорида номи зикр этилган луғатларнинг барчасида, “кўз” “тирик жонзотнинг кўриш аъзоси” деб таърифланган. Унга алоқадор бошқа дистант(асосий маънодан узоқлашган) маънолар кетма-кетлик тартибида берилган.

Бундан ташқари ўтказилган сўровномаларда информантларнинг 90-95% и “Кўз” сўзи нимани англатади?” деган саволга аввал “кўриш аъзоси”-деб, ундан сўнггина бошқа маъноларини тилга олдилар*. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “кўз” лексемасининг архисемаси сифатида “кўриш аъзоси” маъносини танлаб олдик. Унинг атрофидаги ёндош семаларни эса унинг вариантлари деган хулосага келдик.

Вариант маънолар “кўз” архисемаси билан яқин ва дистант маъновий алоқада бўлади. Яқин вариантлар “кўз” ва унинг вазифаларига мос келувчи маъноларни ифода этади. Масалан, инглиз тилида булар жумласига sight, vision,(кўриш, қараш), look, glance, gaze, view (қараш, назар, нуқтаи назар), scrutiny (синчков нигоҳ, диққат билан қараш), ўзбек тилида кўз қисмоқ, кўз олди (кўз ўнги), кўздан қолмоқ (кўриш қобилиятини йўқотмоқ); рус тилида голубые глаза (мовий кўзлар), близорукие глаза (узоқни кўрмайдиган кўзлар), надзор (присмотр - назорат, қараб туриш). У семи нянек дитя без глазу (Пословица), смотреть во все глаза (диққат билан тикилиб қарамоқ) кабилар киради.

Дистант маъноли вариантлар кўз ва унинг вазифалари, хусусиятларига хос бўлмаган семалар мажмуидир. Масалан, инглиз тилида: an eye for an eye (*қанчалик азоблаган бўлса, шунчалик жазолаш*), to see eye to eye (with) (*бутунлай рози бўлмоқ, ўхшаш нуқтаи назарга эга бўлмоқ*), to give an eye to (*ғамхўрлик қилмоқ, эътибор бермоқ, қараб турмоқ*), my eye (*норозилик, ҳайратланиш ва ажабланиш кайфиятини ифода этади*); ўзбек тилида: узукнинг кўзи (узукка қўйилган ялтироқ тош), кўзи етмоқ (ишончи комил бўлмоқ), кўзи ёримоқ (бўшанмоқ, туғмоқ), кўзини ёғ босмоқ (унча-мунчани, ҳатто танишларини ҳам танимайдиган, назарга илмайдиган бўлмоқ); рус тилида: глаза горят у кого на что (бирон нарсага эга бўлишни (олишни) жуда ҳам хоҳламоқ), за глаза (кимдир биров ҳақида ўзи йўқ пайтда гапирмоқ, сўкмоқ).

Дистант маъноли лексемаларда кўз архисемаси кучсиз ифодаланган бўлса, яқин маъноли лексемаларда у турли даражадаги маъно аниқлигида ўз ифодасини топади. Масалан, кўз қири билан қарамоқ сўз бирикмаси кўзининг бир чеккаси билан қарамоқ маносини англатади, инглиз тилида Keep an eye on him! (*Унга кўз-қулоқ бўлиб тур!)*

“Кўз” архисемаси ва унинг маъно вариантлари турлича морфологик тузилишга эга бўлган

лексик бирликлар (содда, қўшма, жуфт, ясама, қўшма-ясама сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар) орқали намоён бўлиши мумкин.

Инглиз тилида eye (от), eye (феъл) содда eyeglass, eyewitness (от, феъл) қўшма, eyed (сифат) eyedness (от), eyeful (от), eyeglassy (сифат), eyeless (сифат), eylessness (от), eyer (от), eyesome (сифат), каби ясама сўзлар, eye – catching (сифат), eyedropperful (от), eye-minded (сифат), eye-mindedness (от), eye-opennig (сифат), eye-popper (от), eye-servant (от), eye-server (от) каби қўшма-ясама сўзлар, to close ones eyes; to open one's eyes, to cry with one eye, to laugh with the other, in public eyes, a wink of the eye, to keep one's eyes on каби сўз бирикмалари, all the eye, all in the eyes, to cutan eye, up to one's eyes каби турғун бирикмалар, in a pigs eye каби сленглар орқали ифодаланишини аниқладик.

Ўзбек тилида эса "кўз" бош маъноси ва унинг вариантлари кўз (от), кўзламоқ (феъл) каби содда сўзлар, кўзмунчоқ (от), кўзойнак (от) каби қўшма сўзлар, кўз боғловчи (от), кўз бўямачи (от), кўздай (.дек), кўзли, кўзсиз каби ясама сўзлар, кўз-кўз, кўз-қулоқ каби жуфт сўзлар, кўздан кечирмоқ, кўз қисмоқ, кўз қири билан қарамоқ каби сўз бирикмалари, кўз олайтирмоқ, кўз очиб кўрган, кўз-кўз қилмоқ, кўзга суртмоқ, кўзи очилмоқ, кўзини ёғ босмоқ каби турғун бирикмалар орқали ифодаланди.

Юқорида санаб ўтилган лексемалар морфологик таркиби ва тузилишига кўра қуйидаги каби моделларга эга бўлишлари мумкин:

1. N ёки V (содда тузилишга эга бир ўзакли сўзлар).
2. N+N=N (икки ўзакли қўшма сўзлар).
3. N+suffix=N (от ясовчи суффиксли ясама сўз).
4. N+suffix+suffix=N (от ясовчи икки суффиксли ясама сўз).
5. N+suffix=Adj (сифат ясовчи суффиксли ясама сўз).
6. N+N+suffix=Adj (икки ўзакли сифат ясовчи суффиксли сўз).
7. N+suffix+suffix=N (бир сифат ясовчи ва бир от ясовчи суффиксли ясама сўз).
8. N+Adj+suffix=N (бир от, бир сифат + от ясовчи суффиксли ясама от).
9. N+V+suffix=N (бир от, бир феъл + от ясовчи суффиксли ясама от).
10. N+V+suffix=Adj (бир от, бир феъл + сифат ясовчи суффиксли сўз).
11. V+N(prep)=WC (феъл ва предлогли отдан иборат сўз бирикмаси).
12. Adj+N=WC (сифат ва отдан иборат сўз бирикма).

Ўзбек тилида "кўз" архисемаси атрофига бирлашган лексемалар эса қуйидаги моделлар ёрдамида ясалади:

1. N ёки V (содда тузилишга эга бир ўзакли сўзлар).
2. N+N=N(икки от ўзакли қўшма сўзлар).
3. Adj+N=WC (бир сифат ва бир отдан иборат сўз бирикмаси).
4. N+Adj=WC (бир от ва бир сифатдан иборат сўз бирикмаси).
5. N+V=WC (бир от ва бир феълли сўз бирикмаси).
6. N+га+Participle=WC (бир от ва сифатдошли сўз бирикмаси).
7. N+ га(да, дан, и, ни, нинг) +V=WC (келишик ва эгалик суффиксли от ва феълли сўз бирикмаси).
8. N+N+ suffix=N (икки от ўзак ва бир суффиксли ясама сўзлар).
9. Adj+N=WC (бир сифат ва бир отдан иборат сўз бирикмаси).
10. N+suffix=Adj (бир от ва бир суффиксли ясама сўз).
11. N+N+V=WC (икки от, бир феълли сўз бирикмаси).
12. N+V=V(бир от ва бир феъл ўзакдан иборат қўшма феъл).
13. N+Adj=WC (бир от ва бир сифатли сўз бирикмаси).

Юқоридаги инвариант тил моделлари жонли нутқда реаллашади ва конкретлашади. Улар асосида содда ва мураккаб мазмунли нутқ бирликлари пайдо бўлади.

"Кўз" семантик майдони, унинг мазмуний мавзу гуруҳларини, улар ўртасидаги маъновий муносабатларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. "Кўз" архисемасига асосланган майдон миқёсини қуйидаги мазмун гуруҳ (тўда)ларига ажратамиз:

1) "кўз" ҳаракатини ифодаловчи лексемалар: пирпиратмоқ, очмоқ, очиқ, боқмоқ, қарамоқ, овламоқ, йиғламоқ, ёшламоқ, қисмоқ, ташламоқ, югуртирмоқ, қирини ташламоқ, тикилмоқ, тикилиб қарамоқ, қиё боқмоқ, to cry, to wink, to gaze, to look, to stare, to have a look at, to screwone's eyes, to eye, to peep, to blink;

2) "кўз" рангини ифода этувчи лексемалар: қора, (қаро), кўк, мовий, қизил, қўй, кўкарган, қизарган, blue, black, red, reddened;

3) "кўз" шакли ва ҳажмини ифода этувчи лексемалар: катта, кичик, бўта, қиста, қийиқ, кийик, ғилай, қуралай, ола, думалоқ, қисиқ, screw, round, big, wide, narrow, small;

4) "кўз" вазифаларига бевосита алоқадор бўлмаган лексемалар: назар, ниш, ниш урмоқ, ярачақа, булоқ, тахта, ёғоч, иш, узук, хуржун, оч, тўй-

мас, ёриди (ёримоқ), очиқ кетмоқ, остига (тагига) олмоқ, олайтирмоқ, юммоқ, пахтасини чиқармоқ, needleeye, the opening of a spring well;

5) “кўз” ҳолати ва кўриш қобилиятини ифодаловчи лексемалар: сўқир, очиқ, юмуқ, кўр, ўткир, яхши, ёмон, ожиз, кўрмайдиган, (-дан) қолган, заиф, ташланмайдиган, йироқ, узоқ, нари, илинмайдиган, пайқамас, пайқамайдиган, илғамас, тиниқ, равшан, хира, қоронғулашмоқ, қораймоқ, хиралашмоқ, big squint, strabismus (илм), squint-eyed, cross-eyed, long – sighted, far-sighted, long-sight, presbyopia (тиб) weak, short–sighted, near-sighted, myopic (med), shortsightedness;

6) “кўз” анатомияси ва кўзга оид тиббиёт терминлари: кўзойнак, офталмолог, кесмоқ, олиб ташламоқ, қўймоқ, микроскоп, линза, парда, гавҳар, қорачиқ, катаракта, олма, шиша, коса, оқи, eyepit, eyehole, oculist, eye piece (ocular), iris, lens, eye ball, ophtalmologist.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда “кўз” лексемасига хос қуйидаги маъно турлари бўлиши мумкин деган хулосага келдик:



Масалан, “одамнинг кўзи” (a man’s eye) бирикмасидаги бош маъно “кўриш органи” ҳисобланиб, у эркин ва номинатив маъно хусусиятига эга. Лекин the eye of a spring (well), needle eye, eyes on an egg, the eye of a hurricane, a private eye яранинг кўзи, узукнинг кўзи, булоқнинг кўзи бирикмаларида унинг боғли (иккиламчи) маъноси юзага чиқмоқда. Бу бирликларда “кўз” сўзи ясама (ҳосила) маъно бўлиб, бу маъно spring, needle, egg, hurricance, private яра, узук, булоқ сўзлари билан бириккандагина юзга чиқади. Шу боис буларда кўчма маъно мавжуд.

To cut an eye (to cast a look), to have an eye to, to give an eye to (look after), to give the big eye to (tolook at), to keepone’s eyes open (to be on the alert, be careful) кўзининг оқу-қораси, кўзининг пахтасини чиқармоқ, кўзини мошдай очиб қўймоқ лексемаларида экспрессив-эмоционал бўёқдорлик мавжуд.

Масалан: инглиз тилидаги “to keep one’s eyes open” лексемасида “be watchful” “be careful” (Қара. Эҳтиёт бўл) прагматик маънолари ифодаланган. Лекин “to keep one’s eyes open” ушбу маънони кучли, таъсирчан тарзда ифода этиши билан “эҳтиёт бўлмоқ”, “қарамоқ”дан фарқ қилади.

Мазмун тўдалари (микромайдон аъзолари) маънодошлик алоқаларига киришиши мумкин. Маъновий муносабатлар деганда нафақат синонимия, омонимия ва антонимия, балки гипонимия, партонимия, градуонимия, иерархонимия кабиларни ҳам назарда тутамиз.

Шу нуқтаи назардан, кўзи илинмоқ – кўзи кетмоқ, кўзидан ўтказмоқ – кўздан кечирмоқ, кўзи тўймайди – кўзи оч, кўз олмади – кўз узмади, кўз тикмоқ – кўзи тўрт бўлмоқ, кўз остига олмоқ – кўз тагига олмоқ, кўр – ожиз, хира – заиф, кўздан йироқ – кўздан нари, кўздан узоқ, боқмоқ – қарамоқ, йиғламоқ – кўз ёши қилмоқ лексемалари ўзаро маънодош синоним лексемалардир.

Инглиз тилида маънодош лексемалар тўдасига қуйидаги синоним лексемаларни киритамиз: sight-vision, eye-look, glance, gaze, all one’s eye-all the eye, all in the eye, to make eyes-do in the eye, give an eye to-look after-have an eye to, have one’s eye on-to look at-keep one’s eyes on, to keep an eye out-to be on the lookout, to keep one’s eyes open-to keep one’s eyes pelled, to keep one’s eyes skinned, make eyes-gaze amorously, to throw eyes at-to throw the eye at, up to one’s eyes-up to the eyes.

Юқоридаги камида икки аъзоли синонимик қаторларни микропарадигмалар деб ҳисоблаймиз. Синонимик қатор аъзолари умумий маъно ўхшашликлари баробарида услубий ўзига хосликларга эга бўлиши мумкин. Масалан, sight кўпроқ бадиий услубга, vision илмий услубга хос бўлса, look, glance, gaze бадиий ва сўзлашув услубига, eye ва view расмий ва илмий услубларга хос синоним лексемалардир.

Инглиз ва ўзбек тилларида улар “кўз” (от) га нисбатан қуйидагича даражаланишга эгалар:

glance→Eye→look→view → gaze

кўз ташлаш→қараш, назар→қараш→ нуқтаи назар → кўз узмай қараш→ бирров қараш→нигоҳ→ тикилиб қараш,

give the eye to → have an eye to→keep an eye out→ throw eyes at→ throw the eye at → have eyes only for.

кўз ташламоқ → га қарамоқ → назар ташламоқ → кўз тикмоқ → эътибор билан қарамоқ → узоқ томоша (назорат) қилиб турмоқ.

Маъновий жиҳатдан бир-бирлари билан зидлашув (антонимик) муносабатида бўлган лексемаларга қуйидагилар мисол бўлади: to have a good sight–to have a bad sight, to close one’s eyes-

to open one's eyes, tocry with one eye-to laugh with the other eye; кўзи ўткир – кўзи хира, кўздан қолмоқ – кўзи очилмоқ, кўз очмоқ – кўз юммоқ, кўзи оч – кўзи тўқ, кўзсиз – кўзли ва бошқалар.

Морфологик тузилиши ва ёзувдаги ифодаси бир хил, лекин турли маъноларни англатувчи "кўз" семемали лексемаларни омоним лексемалар деб атаймиз:

eye (от) "кўз" (кўриш аъзоси) the organ of vision	– eye (от) - a button hole (тугма тешиги) needle eye (игнанинг тешиги) - eye of a hurricane (бўроннинг кўзи) - the hilum (as of a bean) (ловиядан чиқадиган ниш)

"Кўз" (от) кўриш аъзоси	"Кўз" (от) - нуқтаи назар - назар, нигоҳ, қараш - баъзи нарсаларнинг бирор белги билан ажралиб, кўзга ўхшаб кетадиган қисми, бўлаги (узукнинг кўзи, ақлнинг кўзи, ишнинг кўзи).

Демак, "кўз" семантик майдони уч қисмдан иборат бўлиб, "кўз" архисемали лексема унинг доминантини, яқин маънодошлик муносабатида бўлган лексемалар унинг ядросини, дистантмаъноли лексемалар эса унинг чекка қисми (периферияси)ни ташкил этади.

Адабиётлар:

1. П.Евгеньева А.П. Словарь русского языка.в 4-х томах 1-том.- М.: Русский язык, 1981.- 696 с.

2. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол. фанлари док-ри ... дисс. автореферати.-Т.1999.- 27 с.

3. Собиров А.Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.- Т.: Маънавият, 2004.-125 с.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд.– Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашрёти, 2006.- 631 с.

5.Webster's third international dictionary of the English language. Könemann.1993.- 5607 p.

Андижон давлат университети
2015 йил 29 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ғ.Х.Сатимов)